

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА ДИЛОБАР ИКРАМБАЕВНА**

**МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА**  
**ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**  
**(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Pedagogical Sciences**

**Саидова Дилобар Икрамбаевна**

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини  
шакллантириш технологияси.....3

**Саидова Дилобар Икрамбаевна**

Технология формирования системы ценностей у воспитанников домов  
«Меҳрибонлик».....25

**Saidova Dilobar Ikrambaevna**

The technology of formation of the value system in children brought up in  
orphanage homes “Mehribonlik”.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА ДИЛОБАР ИКРАМБАЕВНА**

**МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА  
ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи  
(педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped367-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мўминова Лола Раҳимовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Сафарова Роҳатой Ғайбуллаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган).  
Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ҳ.Джураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор, академик

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**А.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ота-она қарамоғисиз қолган етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳаётини фаолияти учун зарурий шарт-шароитларни яратиш механизмлари амалиётга тадбиқ этилган. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда барча давлатлар вақтинчалик ёки доимий равишда ўз оиласида яшайдан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш алоҳида белгилаб берилган<sup>1</sup>. АҚШ, Франция, Англия, Россия каби ривожланган давлатларда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жамиятга муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаш, ҳаётга, инсонларга ва ўз-ўзига аксиологик муносабатни қарор топтириш технологияларини такомиллаштириш етим болаларни алоҳида муассасаларда эмас, оилаларда тарбиялаш, ижтимоий муҳофаза этиш, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни кластерли ёндашув асосида ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик механизмларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда ота-она қарамоғисиз қолган ва етим болаларни ижтимоийлаштириш моделларини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик механизмларини интегративлик тамойилигига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш, инсонпарварлик қадриятларини тарбиялашнинг рефлексив технологияларини адаптив вариантларда қўллашнинг ижтимоий-педагогик тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Болалар уйлари тарбияланувчиларида ижтимоий тажрибани ўзлаштириш компетентлигини ривожлантириш, тарбиячиларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштириш, етим болалар билан ишлашнинг ижтимоий-педагогик фаолиятга доир метод ва усулларини ишлаб чиқиш виртуал муҳит таъсири билан боғлиқликда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида миллий, умуминсоний, бадиий-эстетик, ахлоқий ва оилавий қадриятларни шакллантиришнинг инновацион механизмларини яратиш, тарбияланувчиларда рефлексив маданиятни ривожлантириш уларда қадриятлар тизимини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикамизда Меҳрибонлик уйлари етим-есир болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун Давлат интернати таълим-тарбия муассасасига айлантириш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари, хўжалик таъминоти, тиббий хизмат соҳаси тўлиқ ислоҳ этиш, болалар шахарчаларини ташкил этиш, етим болаларни оила муҳитида тарбиялаш муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлашнинг меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

---

<sup>1</sup> “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” Конвенция 1994 йил 20 ноябрь

“Ёшларни интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодий салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш<sup>1</sup> каби вазифалар белгилаб берилган. Бу эса, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари, фасилитацион ёндашув асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришга хизмат этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги 263-сон “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоийлаштиришнинг социологик, педагогик-психологик жиҳатлари ҳамда миллий-ахлоқий тарбиялаш, миллий кадриятларнинг мазмун-моҳияти М.Бекмуродов, Э.Гозиев, Д.Исаева, А.Мудрик, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Д.Рўзиева, Б.Ходжаев, Я.Чичерина, Ғ.Шоумаров, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, М.Қуронов, М.Қахҳорова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан И.Дубровина, В.Кондрашин, И.Коробейников, В.Мухина, А.Русская, В.Чумаков, И.Шевченко, Т.Шульга кабилар томонидан болалар уйлари тарбияланувчиларининг психик ривожланиши, етимлик муаммолари, психологик ёрдам кўрсатиш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти, уларнинг ижтимоий мослашуви масалалари тадқиқ этилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.71-72.

Хорижлик олимлардан Ж.Баллантине, J.Ballantine, К.Веґер, К.Wegar, К.Browne, К.Броун, К.Нелсон, С.Nelson, Р.Картер, R.Carterлар болалар уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, оила ва меҳрибонлик уйлари фаолиятини интеграциялаш, тарбияланувчиларда кадриятли йўналганлигини ривожлантириш масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегияси”да белгиланган устувор вазифалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш омиллари ва педагогик-психологик хусусиятларини таҳлил этиш;

тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик моделини такомиллаштириш;

фасилитацион ёндашув асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида меҳрибонлик уйларидаги ўсмир ёшдаги тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш жараёни белгиланиб, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 23-сонли, Чилонзор туманидаги 22-сонли, Фарғона вилоятининг Кўкон шаҳридаги 12-сонли, Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги 32-сонли меҳрибонлик уйларидаги 11-16 ёшдаги 150 нафар тарбияланувчиси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар аксиологик дунёқарашни

ривожлантириш компонентлар (онг, муносабат, установка ва ориентация) бирлигини ва бевосита алоқадорлигини эмпирик аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган; тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш модели кадриятлар тизими (когнитив, ташкилий, аналитик-натижавий) компонентларини ижтимоийлашувнинг микроомиллар (шахсий сифатлар, мактаб ва меҳрибонлик уйлариининг педагогик жамоаси, социум) билан ички интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган; тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш технологияси аналитик, ташкилий-тайёрлов, фаолиятга доир мониторинг ва нативавий компонентларни (мотивацион, когнитив, фаолиятга доир) когнитив фаолиятнинг субъектив рефлексивлик даражаси билан оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган; меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш, тарбияланувчиларни ижтимоийлаштириш механизмини самарали мулоқот ва интеграция бирлиги асосида такомиллаштиришда ижтимоий институтларнинг таъсир даражаси барқарорлигини таъминлашга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришга доир “Мен шу юрт фарзандиман!” мавзусидаги тарбиявий тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришга доир тренинг машғулотлари ишланмаси яратилган;

тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришга доир махсус курс дастурлари ишлаб чиқилган;

тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг электрон услубий таъминоти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, тарбиячиларнинг иш тажрибаларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг микдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ “кадрият”, “аксиологик онг”, “аксиологик муносабат”, “аксиологик йўналганлик”, “кадриятлар тизими”, “тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш” тушунчаларининг илмий таърифларининг шакллантирилганлиги;

тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш омиллари ва ёндашувларнинг назарий таҳлил этилганлиги; тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик иш тамойилларининг асосланганлиги, тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш модели ва локал-модулли технологиясидан меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш, комплекс дастурдан тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш ва режалаштириш ҳамда тақвим-мавзу режани тузиш, тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг методик таъминотидан ижтимоий иш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш бўйича илмий натижалар: меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаштириш, назарий-методологик ёндашувлар, методик таъминотни такомиллаштириш, ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир таклифлардан “Меҳрибонлик уйлари” тўғрисида”ги Низом билан тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги “Ота-она қарамоғидан муҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 263-сон Қарори билан тасдиқланган дастурни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 23 ноябрдаги 01-02/2-2-492-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида меҳрибонлик уйларида етим болалар ва ота-оналарнинг қарамоғидан муҳрум бўлган болаларга комплекс диагностика, профилактика, коррекция ишлари, ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқилган; тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш модели кадриятлар тизими компонентларини такомиллаштиришга оид таклифлардан 2012-2014 йилларда бажарилган ОТ-Ф8 рақамли “Талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш” фундаментал лойиҳаси доирасида белгиланган вазифларни бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 23 ноябрдаги 01-02/2-2-492-сон маълумотномаси). Натижада, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришнинг диагностика тизими такомиллаштирилган; тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришни оптималлаштириш ҳамда меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишда ижтимоий институтларнинг таъсир даражасини барқарорлаштиришга оид таклифлар 2014-2015 йилларда бажарилган “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни

миллий қадриятлар негизда шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедия ўқув қўлланмасини яратиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 23 ноябрдаги 01-02/2-2-492-сон маълумотномаси). Натижада, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида қадриятлар тизимини шакллантириш самарадорлигига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика конференцияларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиш борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида қадриятлар тизимини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида қадриятлар тизимини шакллантиришнинг ижтимоийлаштириш билан ўзаро алоқадорлиги, тарбияланувчиларда қадриятлар тизимини шакллантириш омиллари, мезонлари ва кўрсаткичлари баён этилган.

Фалсафий ва педагогик-психологик адабиётлар таҳлили “қадрият” ва “қадриятлар тизими” тушунчаларини талқин этишда хилма-хил ёндашувлар мавжуд. Фалсафий нуқтаи назардан қадрият инсон томонидан баҳоланадиган кенг оммалашган субъектив образ ёки тасаввурлар сифатида идрок этилса; социологик ёндашувда қадрият инсон ҳаётий фаолиятини ташкил этувчи ижтимоий меъёрлар, унинг хулқ-атвори билан мустаҳкам алоқадорликда талқин этилади; психология мазкур тушунчани

шахсининг қизиқишлари, эҳтиёжлари билан боғлиқликда ифода этади. Педагогикада кадрият тушунчаси инсоннинг ҳар томонлама уйғун ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал ҳаётий тажрибаси, дунё ҳақидаги билимлари асосида юзага келувчи оламга шахсий муносабатини акс эттиради.

“Қадриятлар тизими” тушунчаси маъно-мазмун жиҳатдан мураккаб тузилишга эга бўлиб, аниқ бир индивиднинг турмуш тарзини аниқлаб берувчи ахлоқий меъёрлар, моддий ва маънавий ҳаётга муносабатини ифода этувчи установкалар мажмуини ифода этади. Тадқиқот объекти билан боғлиқликда кадриятлар тизими деганда умуминсоний кадриятлар, олам манзарасини билиш ва англаш, ўзининг индивидуал салоҳиятини намоён этишга имкон берувчи шахсий муносабат ва установкалар мажмуи тушунилади. Қадриятлар тизими ижтимоий онг билан алоқадорликда фалсафий, илмий, миллий, диний, ахлоқий, бадиий-эстетик, моддий, маънавий, касбий, шахсий кўринишларда намоён бўлади.

“Етимлик” ва “ижтимоий етимлик” тушунчаларини таҳлил этиш етимликни психологик-педагогик феномен, етим болалар эса депривацион, институционал ва педагогик омиллар билан боғлиқ типологик шахсий сифатларга эга болалар категорияси, деган хулосага келинди.

Республикамызда Халқ таълими тизимига қарашли 19 та Меҳрибонлик уйи ва 3 та Болалар шаҳарчаси мавжуд бўлиб, уларда жами 2534 та бола тарбияланмоқда. Жумладан, улардан 1071 нафарини қизлар, 344 нафар чин етимлар, 571 нафар ярим етим болалар, 797 нафарини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари, 568 та кам таъминланган оила фарзандлари, 112 нафарини ногиронларнинг фарзандлари, 142 тасини озодликдан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари ташкил этади. Мазкур турдаги муассасаларда 465 нафар тарбиячилар ҳамда 1164 нафар маъмурий ва техник ходимлар фаолият юритишади.

Хориж ва республикамызда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, боланинг оила муҳитидан ташқаридаи ривожланиши одатдаги ҳолатдан фарқ қилиб, унда махсус характер хусусиятлари, хулқ-атвор кўринишлари, шахслик сифатлари шаклланади. Шунингдек, тадқиқот ва кузатишлар асосида Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларда нафақат шахсий юксалишдан ортда қолиш ёки ривожланмаслик, балки мазкур муассасалардаги турмуш тарзига мослашишга хос қатъий бошқа механизмларнинг жадал шаклланиши аниқланди.

Маълумки, ўсмирлик ёшида шахсда ўз-ўзини англаш ва рефлексияга қобилиятлилик таркиб топиб, кадриятлар тизимининг шаклланиши жадал кечади. Меҳрибонлик уйларининг ўсмир ёшидаги тарбияланувчилари билан оилада тарбияланаётган мактаб ўқувчиларининг кадриятлар тизимини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосага келинди:

шаҳар ва қишлоқ мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг кадриятлар тизими тузилмасида бир хил тарзда оилавий ҳаёт (85%),


саломатлик (72%), моддий таъминланганлик (67%) юқори аҳамият касб этади;

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг аксарият кўпчилигида ҳаётий мақсад ва идеаллар (67,8%), истиқболга йўналтирилган мотивлар (59,4 %) шаклланмаган; кўпчилик тарбияланувчилар ўз-ўзига паст баҳо беришади (78,1 %), ўз-ўзига танқидий муносабат даражаси етарли эмас (72,7%), ўз-ўзига салбий муносабат (78,5%) ёрқин намоён бўлади; оилаларда тарбияланаётган болалар билан таққослаганда (19,2%) тарбияланувчиларда эгоистик йўналганлик ёрқин намоён бўлади (59,6%); аксарият тарбияланувчиларда (74,7%) ижтимоий ва жамоатчилик вазифаларини бажаришга доир аксиологик йўналганлик мавжуд эмас; тарбияланувчилар ижтимоий компетентликнинг паст даражасига эгалик билан ажралиб туришади (82,8 %).

Тадқиқот доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларда қадриятлар тизимини шакллантириш қўйидаги омиллар билан боғлиқлиги аниқланди: етимликнинг келиб чиқиш оқибатлари билан алоқадор (психик бузилиш, асоциал хулқ-атвор, соматик касалликлар); Меҳрибонлик уйларидаги турмуш тарзи билан алоқадор (муассасанинг ёпиқ система тавсифига эгалиги; ижтимоий-психологик муҳитнинг чегараланганлиги; ижтимоий хулқ-автор тимсолларининг бир хиллиги; ташқи муҳит билан ўзаро алоқаларнинг қатъий регламентга эгалиги; катта авлод вакилларининг мавжуд эмаслиги, тарбиячиларнинг тез-тез ўзгариши, ижтимоий алоқаларнинг чекланганлиги ва бир хиллиги, оила ва қариндошлар билан алоқаларнинг мавжуд эмаслиги); тарбияланувчиларнинг шахсий ўзига хосликлари билан алоқадор (ахлоқий-эстетик идеалларнинг шаклланмаганлиги, ижтимоий компетентлик, “Биз” туйғусининг шаклланганлик даражасининг пастлиги, ҳамкорликнинг ноаниқлиги, ўз-ўзини ички қабул қилмаслик, етуклашмаганлик (инфантилизм), бефарқлик, беғамлик, одамлар билан шахсий манфаатлари нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш, бошқа кишиларга ишонмаслик, агрессия, кайфиятнинг тез ўзгариши, асабийлик, ўқув-тарбия жараёнидаги топшириқларни бажаришдаги сусткашлик); муассасадаги тарбиявий ишларни ташкил этиш билан алоқадор (тарбиячиларнинг шахсий ва касбий сифатлари, педагогик таъсир кўрсатиш воситалари, болалар фаолиятининг мазмуни ва характери); ижтимоий омиллар (ижтимоий-сиёсий тизим, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, муассасанинг мақоми ва ҳ.к.).

Мазкур омилларнинг барчаси ўзаро алоқадор ва боғлиқ бўлиб, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида аксиологик дунёқарашни таркиб топтириш компонентларини такомиллаштиришни талаб этди. Тарбияланувчиларда аксиологик дунёқарашни таркиб топтириш қадриятга йўналтирилган онг, муносабат, установка ва ориентациянинг бирлигини ва алоқадорлигини таъминлашни тақозо этади (1-расм).

## Тарбияланувчиларда аксиологик дунёқарашни таркиб топтириш



**1-расм. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида аксиологик дунёқарашни таркиб топтириш тизими**

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларда қадриятлар тизимини шакллантириш омиллари ва аксиологик дунёқарашни таркиб топтириш компонентларига асосланган ҳолда тадқиқот доирасида қуйидаги педагогик шарт-шароитлар белгилаб олинди:

тарбияланувчиларнинг ахлоқий танлов эркинлиги, уни асослаш, мустақил қарор қабул қилиш вазиятини тақдим этишга асосланган ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга фаолиятни ташкил этиш;

салбий хулқ-атворни коррекциялашга йўналтирилган ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолашни ривожлантиришга доир локал-модулли технологияни ишлаб чиқиш;

қулай таълим муҳити (ўқув, бўш вақтни ташкил этиш, касбга йўналтириш, валеологик)ни яратиш, ижтимоий институтлар билан тарбияланувчиларнинг самарали ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, болаларнинг атроф-муҳит, меҳнат, оилавий ҳаёт, ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришига имкон берувчи реал ҳаёт ва мулоқот жараёнига жалб этиш;

жинсий-ролли хулқ-автор намуналарини ўзлаштириш, оилавий идеал ва кадриятларни тушунишга имкон берувчи оила муҳитига максимал даражада тенглаштириладиган турмуш тарзи ва ҳаётий фаолият зарур шарт-шароитлар яратиш;

ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида катталар ва болалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш.

Диссертациянинг **“Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобда тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик модели, локал-модулли технологияси ва модернизациялашган методик таъминоти ёритиб берилган.


Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларига асосланган ҳолда, мақсадга йўналтирилган, мазмунли, ташкилий ва аналитик-натижавий компонентларни ўзида акс эттирувчи ижтимоий-педагогик модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Тадқиқотнинг концептуал ғояларига мувофиқ Меҳрибонлик уйларида ижтимоий тарбиянинг мақсади кадриятлар тизимини шакллантириш тарзида белгилаб олинди. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: тарбияланувчилар томонидан сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, оилавий ҳаёт, миллий мерос ва маданиятга доир комплекс билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш; тарбияланувчиларнинг билишга қизиқишини ошириш, интеллектуал ва ижодий, ижтимоий муҳитни фаол ўзлаштириш ва қайта яратиш, кундалик вазифаларни ҳал этишда эгалланган билим ва кўникмалардан фойдаланиш қобилиятини ривож-лантириш; фаол фуқаролик позициясини, мафкуравий иммунитетини, касбий фаолиятга йўналганлик, соғлом турмуш тарзини тарбиялаш.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришда тизимли, аксиологик, маданий-инсонпарварлик, муҳитли, шахсга йўналтирилган ёндашувлар асос сифатида олинди. Айниқса, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан ишлашда муҳитли ва шахсга йўналтирилган ёндашув алоҳида аҳамият касб этиши аниқланди.

Муҳитли ёндашувга мувофиқ болани ўраб турган социумнинг ижобий эмоцияларга бойлиги унинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг моҳияти эса, боланинг субъективлигини тўлиқ намоён қилишга йўналтирилган ижтимоий муҳитнинг ижодийлик, ҳамкорлик ва яратувчанлик билан уйғунлашувини талаб этади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш тамойиллари сифатида ижтимоий бўшлиқларни тўлдириб, рағбатлантириб бориш; мустақил фаолият ва ташаббускорлик; маънавий-ахлоқийлик; рефлексивлик; талабчанлик ва ғамхўрликнинг уйғунлигини таъминлаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги кабилар асос қилиб олинди.



**2-расм. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида қадриятлар тизимини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик модели**

Айниқса, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг кундалик фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишга доир тарбиявий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги тамойили тадқиқот доирасида муҳим аҳамият касб этди.

Моделнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш асосида тарбияланув-чиларда кадриятлар тизимини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик фаолият йўналишлари аниқлаштирилди.

Муҳитли ёндашувга мувофиқ болани ўраб турган социумнинг ижобий эмоцияларга бойлиги унинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг моҳияти эса, боланинг субъективлигини тўлик намоён қилишга йўналтирилган ижтимоий муҳитнинг ижодийлик, ҳамкорлик ва яратувчанлик билан уйғунлашувини талаб этади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш тамойиллари сифатида ижтимоий бўшлиқларни тўлдириб, рағбатлантириб бориш; мустақил фаолият ва ташаббускорлик; маънавий-ахлоқийлик; рефлексивлик; талабчанлик ва ғамхўрликнинг уйғунлигини таъминлаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги кабилар асос қилиб олинди. Айниқса, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг кундалик фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишга доир тарбиявий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги тамойили тадқиқот доирасида муҳим аҳамият касб этди.

Моделнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш асосида тарбияланув-чиларда кадриятлар тизимини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик фаолият йўналишлари аниқлаштирилди.

Кадриятлар тизимини таркиб топтиришда қуйидаги муносабатлар тизимига асосланildi: ижтимоий (“Мен ва олам” муносабати); шахсий (шахсий ўз-ўзини англаш ва ҳаётий мақсад муносабати); касбий йўналганлик (“Мен ва меҳнат” муносабати); бадий-ижодий (“Мен ва маданият” муносабати); оилавий ҳаётга тайёрлаш (“Мен ва оила” муносабати); соғлом турмуш маданияти (“Мен ва саломатлик” муносабати), самарали мулоқот тизими.

“Мен ва олам” муносабати тизими тарбияланувчиларда жамоавий мажбуриятларни бажаришга тайёрликни шакллантириш, уларни муваффақиятли ижтимоийлаштиришга имкон беради. Мазкур йўналишдаги ижтимоий-педагогик фаолият жараёнида турли вазиятлардаги хулқ-атвор қоидалари билан танишиш, ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларга йўналганлик кўникмасини ўзлаштириш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаётий режаларини тузиш ва амалга ошириш малакалари таркиб топади.

Шахсий ўз-ўзини англаш ва ҳаётий мақсад муносабати тизимида тарбияланувчиларда “инсон – абсолют кадрият” эканлиги ҳақидаги тасаввурлар, ўз-ўзига ижобий муносабат, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ривожлантириш таркиб топтиради. Ўзи ва атрофдагиларнинг хулқ-атворини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш малакалари ривожлантирилади.

“Мен ва меҳнат” муносабати тизимида тарбияланувчиларда моддий неъматларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ишни масъулият билан бажариш, кишиларнинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш, иродавий сифатларни ривожлантириш кўзда тутилди.

“Мен ва маданият” муносабати тизимида тарбияланувчиларни театр, кино, тасвирий, мусиқа санъати, ёзувчи, шоир, рассом, ҳайкалтарошларнинг асарлари, халқ амалий санъати, халқ ижодиёти ва фольклори, халқ ҳунармандчилиги билан таништириш, ижодий фаолиятнинг хилма-хил турлари (расм чизиш, мусиқа чалиш, кўғирчоқ театри)га жалб этиш амалга оширилди.

“Мен ва оила” муносабати тизимида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила қонунчилиги, эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, оилавий муносабатларнинг ахлоқий асослари билан таништириб борилди, рўзғор бюджетини режалаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнес, оила хўжалигини юритиш қобилияти таркиб топтирилди.

“Мен ва саломатлик” муносабати тизимида тарбияланувчиларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўз саломатлигига аксиологик муносабатни таркиб топтириш, бошқаларга ёрдам кўрсатишга тайёрлик акс этади. Тарбияланувчилар инсон организми, касалликларнинг сабаблари ва профилактикаси, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидалари ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш қоидалари ҳақидаги билимларни эгаллайди, биринчи тиббий тез ёрдам кўрсатиш кўникмасини ўзлаштиради.

“Самарали мулоқот” тизимида тарбияланувчиларда коммуникатив малакалар ва мулоқот маданияти ривожлантирилади, оғзаки ва ёзма нутқ малакалари эгалланади, ахборот маданияти ва ахборот истеъмоли маданияти ўзлаштирилади.

Моделнинг ташкилий компоненти тарбияланувчиларда қадриятлар тизимини шакллантиришга қўйиладиган педагогик талаблар ҳамда ташкилий-методик жиҳатни ўзида акс эттирди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида қадриятлар тизимини шакллантиришда қуйидаги талабларга асосланилди: тарбияланувчиларга ахлоқий танлов, мустақил қарор қабул қилиш, ижтимоий ролларни ўзлаштириш имконини берувчи тарбиявий вазиятларни яратиш; ҳамкорликдаги фаолият жараёнида қадриятлар, идеаллар ва андозаларни ишлаб чиқиш; фаолият натижаларини баҳолаш, тарбияланувчиларнинг ютуқларини таҳлил этиш, рефлексия, фаолиятга, ўз-ўзига ва атроф-муҳитга аксиологик муносабатни шакллантириш.

Тарбияланувчиларда қадриятлар тизимини шакллантиришда қуйидаги самарали шакл, метод ва воситалардан фойдаланилди: жамоавий ижодий иш; гуруҳий ҳамкорликдаги фаолият; мунозара; муаммоли вазиятлар таҳлили; ўз-ўзини таҳлил этиш; тарбияланувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ахлоқий таҳлил этиш чизмаси; воқеий-ролли, вазиятли-ролли ўйинлар; маданий

тадбирлар; китобхонлик кечалари; учрашувлар; ижтимоий лойиҳалар; интеллектуал ўйинлар ва ҳ.к.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш билан боғлиқликда қуйидаги самарали ижтимоий-педагогик иш воситаларидан фойдаланилди:

Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ва ҳозирда ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топган кишилар билан учрашувлар; ахлоқий дилемма, педагогик вазиятларни ҳал этиш; жамоавий ижодий ишлар;

ижтимоий лойиҳалар (“Идеал оила”, “Оилавий кадриятлар”)ни ишлаб чиқиш; оила хўжалигини юритишга мўлжалланган “Оилавий академия”ни ташкил этиш;

ижтимоий-ролли ўйинлар (“Ўз уйимизни кураимиз!”), “Оилавий можаро” ўйини; “Инсон оиласиз бахтли бўлиши мумкин (мумкин эмасми)ми?” мавзусидаги дебат ва ҳ.к.

Моделнинг аналитик-натижавий компоненти ўзида тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда диагностик воситаларини акс эттирди. Тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг когнитив, мотивацион, эмоционал ва фаолиятга доир мезонлари ҳамда мазкур мезонларга мос кўрсаткичлар ишлаб чиқилди: когнитив олам ва одам муносабатлари ҳақидаги билимларга эгаллик, субъектив ва объектив кадриятларга доир тасаввурларнинг мавжудлиги; мотивацион ижтимоий аҳамиятга эга меъёр ва кадриятларга йўналганлик, ҳаётий мақсад ва идеалларнинг мавжудлиги; эмоционал ўз имкониятларига ишониш, ўз-ўзига ижобий муносабат, бошқа кишилар учун қайғуриш, эмпатия ва толерантлик; фаолиятга доир ўз хулқ-атворини бошқара олиш, эзгу амалларни бажариш; бошқаларга ёрдам беришга тайёрлик.


Тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантиришнинг диагностик воситалари сифатида кадриятлар тизимини аниқлаш методикаси, “Тугаллан-маган гаплар” методикаси, “Ёзилмаган тезис” методикаси, “Проектив расм” методикаси, Ассоциатив тест аниқлаштирилди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантириш технологияси фасилитацион ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик тарбияланувчиларнинг кадриятлар тизими ҳақидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, таълимий-тарбиявий дастурларни ишлаб чиқиш, тарбиячиларни методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш технологиясини босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг тарбияланувчиларда кадриятлар тизимининг шаклланиш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда тарбиявий жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий тарбияланувчиларда кадриятлар

тизимини шакллантириш натижаларини баҳолаш ва тарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел ва технологияни амалга оширишнинг методик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида зарурат пайдо бўлди. Меҳрибонлик уйларида тарбиявий фаолиятни ташкил этишга доир методик таъминот анъанавий модел асосида лойиҳалаштирилган бўлиб, тарбияланувчиларда кадриятлар тизимини шакллантириш мақсадини тўлиқ рўёбга чиқармайди.

Технология расм кўринишида қуйидаги кўринишга эга бўлди (3-расмга қаранг).



**3-расм. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида кадриятлар тизимини шакллантиришнинг локал-модулли технологияси**

Тарбиячи ва психологлар билан суҳбатлар ҳамда кузатишлар жараёнида Меҳрибонлик уйларидаги таълимий-тарбиявий дастурларни такомиллаштириш ҳақидаги хулосага келинди. Модернизация-лашган

методик таъминотни ишлаб чиқишда тадқиқот доирасида аниқлаштирилган моделнинг фаолиятга доир компонентининг йўналишлари асос қилиб олинди.

“Мен ва олам” муносабати тизими доирасида “Инсон. Шахс. Фуқаро”, “Биз қандай жамоамиз?”, “Биз ва ахлоқ қоидалари”, “Ўз-ўзингни англагин, билгин”, “Менинг ҳуқуқларим ва бурчларим” мавзуларида тарбиявий соатлар, “Мумкин эмас...” ўйини, “Ахборотлар дунёси ҳақида”, “Муаммолар... муаммолар... муаммолар...” мавзуларидаги давра суҳбатларининг ишланмалари яратилди ва амалиётга татбиқ этилди.

“Мен ва меҳнат” муносабати тизими доирасида “Менинг орзуимдаги касб”, “Касблар дунёсида”, “Меҳрибонлик уйи ... кейин эса?” мавзуларида тарбиявий соатлар, касб танлашга доир психологик тренингларни ташкил этиш, тарбияланувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия уюштириш, бандликка кўмаклашиш Маркази билан ҳамкорликда ишлаш методикаси такомиллаштирилди.

“Мен ва маданият” муносабати тизими доирасида “Миллий ва умуминсоний қадриятлар”, “Анъаналар ва маросимлар”, “Халқ оғзаки ижоди”, “Тарихий ёдгорликлар ва қадамжолар”, “Ўзбекистон музейлари”, “Ўзбекистон театрлари” мавзуларида тарбиявий соатлар, экскурсиялар, санъат ва маданият ходимлари билан учрашувлар ташкил этилди.

“Мен ва оила” муносабати тизими доирасида “Оилавий анъаналар ва қадриятлар”, “Ота-оналик бахти”, “Оила муносабатларидаги асосий муаммолар”, “Оилапарвар йигит ва қиз қандай бўлиши керак?” мавзуларида тарбиявий соатлар, оилалар билан учрашувлар ўтказилди.

“Мен ва саломатлик” муносабати тизими доирасида “Саломатлик – ҳаёт гарови”, “Соғлигимиз ўз қўлимизда”, “Чекиш – умр заволи”, “Соғлом танда – соғ ақл”, “Соғлом бўлай десангиз...” мавзуларида давра суҳбатлари ва акциялар ташкил этилди.

“Самарали мулоқот” тизими доирасида “Толерант бўлиш нима дегани?”, “Мулоқот сирлари”, “Низолардан ҳимояланишга тайёрмисиз?”, “Яхши сўз – жон озиғи”, “Сўзлаш одоби”, “Аждодларимиз ширин сўз бўлиш ҳақида”, “Суҳбатдошингизни биласизми?” мавзуларида тарбиявий соатлар, давра суҳбатлари ва тренинг машғулотлари ўтказилди.

